

Рамзиддин ИСАКДЖАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси

ИБН СИНО – ИСЛОМ ДУНЁСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТИМСОЛИ

XXI аср Марказий Осиё фалсафаси гносеологияси деганда, Ибн Сино, Беруний каби буюк даҳолар фалсафасини мисол келтириш мумкин. Шўролар даври фалсафа мактаби мазкур даҳоларни иложи борица моддиюнчи (материалист) қилиб кўрсатишга, керак бўлганда, дин танқидчиси қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганлигини инкор эта олмаймиз

Француз шарқшунос олими Анри Корбен ислом фалсафасини ўрганишдан олдин бу фалсафа “Араб”ларники эмас, “мусулмон”ларники эканлигини таъкидлайди. У ҳам мусулмон гносеологиясини ўрганишда “европацентризм” ғоялари мавжудлигини таъкидлайди.

“Ислом дунёсидаги фалсафий тафаккур эволюцияси ва моҳияти қачонки, биз ушбу фалсафага европадаги фалсафа эквиваленти сифатида қарамасакгина аниқ бўла бошлайди. Шунингдек, мусулмонлардаги Фалсафа ёки файласуф терминлари философия ва философ сўзлари билан айнан эмасдир”¹.

Француз тадқиқотчиси А.М.Гуашон ўзининг “Ибн Сино таълимотида борлик ва мавжудлик орасидаги фарқ” номли фундаментал ишида нарсаларнинг моҳияти ва уларнинг мавжудлиги орасидаги фарқни Ибн

Сино фарқламаган, деган ўрта аср қарашлари ўзини оқламаганлигини исботлаб беради.

Улрих Рудольф фикрича, Мотуридийда бошқа илоҳиётчиларга нисбатан таваккалчилик камроқ бўлган, чунки унинг тафаккури – мавжуд турли таълимотлардан гносеология орқали синтез йўли билан янги назарияни ишлаб чиқишнинг ноёб намунасидир.

АҚШлик тадқиқотчи олим Фредерик Старр Марказий Осиёнинг 912 асрлардаги даврини “олтин аср” деб атади: Марказий Осиёнинг олтин аср мутафаккирлари илмий ҳақиқатларга етишишнинг бир эмас, бир нечта усуллари мавжудлигини, шу жумладан, дедукция, мантикий аргументация, интуиция, эксперимент ва кузатув усуллари². Шунингдек, Старр Ибн Синони илоҳиёт соҳасида диннинг рационал асосини тадқиқ қилган, деб айтади.

Фредерик Старр ўз сўзларида, Шарқ тафаккурига юқори баҳо бериб, барча воқеа ва тафсилотларни чуқур ўрганган. Лекин, унинг услубида “ғарбча тадқиқот” етакчилиқ қилишини англаш мумкин. Масалан: У Беруний ва унинг “Осор ул-бакия” асари ҳақида ўз фикрини билдирар экан, унинг баъзи бир фикрлари мунозарали кўринади: Берунийни

¹ Сагадеев А. Восточный перипатетизм. М.: ИД Марджани, 2009, – С.13.

² Стивен Фредерик Старр. Утраченное просвещение: Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времени Тамерлана. Москва. Альпина Паблишер, 2017. – С. 48.

йилнинг муддатини аниқлаштириш кўпроқ қизиқтирар эди. Гўёки, Берунийнинг фикрича, хижрий йил ҳисобида хатоликлар мавжуд бўлиб, бу борада у қадимги мисрликларнинг секундларгача ҳисобга олганликларини юқори баҳолаган.

“Ислом фалсафасининг “иккинчи муаллими”нинг улуғворлиги шундаки, у жидду жаҳд қилиб, шундай бир тафаккур тизимини яратдики, ўзидан кейингиларга фақат унинг ғояларини шарҳлаш қолди, холос. Нима бўлганда ҳам уни шунинг учун “иккинчи муаллиф”, дейиш жоизки, у “фалсафа” истилоҳини фан ва билимларнинг турли соҳаларида қўллади ва амалда ислом фалсафасини яратди”³.

Дарҳақиқат, эронлик олим Форобийга жуда юқори баҳо беради. У Форобийни ислом фалсафасини асосчиси, деб айтиши катта янгиликдир. Лекин, унинг бу асарида фалсафа тарихини ўрганишдан мурод шиа ҳукмдорлари сиёсий фаолиятига ойдинлик киритиш ва уларнинг “мазлум” эканлигини исботлаш намоён бўлди, назаримизда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Ғарб шарқшунос ва диншунос олимлари Ибн Сино меросини чуқур ўрганган бўлсаларда, “европача устуворлик” ёндошувидан воз кеча олмаганлар. Ваҳоланки, ғарб, тўғрироғи қадимги юнон тафаккурининг асосини дунё халқлари тамаддуни ташкил қилади.

Ғарб олимлари Ибн Сино каби мутафаккирларни ўз маданияти танқидчисига айлантормоқчи бўладилар.

Эронлик олимларнинг бу соҳада меҳнатлари бекиёсдир. Аммо шиалик таълимоти таъсирини унутмаслик керак.

Ибн Сино, Форобий каби даҳоларни “Ислом фалсафаси” асосчиларидир дейишга тўлиқ асос мавжуд.

Шўролар даври тадқиқотчиларидан А.Сагадеев Ибн Сино феноменини чуқур ўрганган олимлардандир. Лекин, унда ҳам

юнон ва яхудий қадимги тафаккурни асос қилиб олиши ўқувчида савол туғдириши мумкин.

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, Ибн Сино теологик тафаккурини, хусусан Қуръонга тафсир китобларини “европача устунлик” намояндалари деярли ўрганмаганлар. Бу борада эронлик олимлар ва ҳиндистонлик тадқиқотчилар меҳнати салмоқлидир.

Юқоридан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, маҳаллий диншунослар ёндошув позициясини белгилаб олиши мақсадга мувофиқдир. Ғарб тадқиқотчилар тарафкашликка йўл қўйиб бўлмайди, – десаларда, биринчи бўлиб ўзлари бу таомилни бузадилар. Деярли аксарият тадқиқотчилар, иложи бори-ча Ибн Сино каби даҳоларни соф материалист қилиб кўрсатиб, мавжуд ҳукмрон доираларга муҳолифат қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ибн Сино теологиясининг гносеологияси ҳақида гап борар экан, Қуръон тафсиллари, ҳадислар, умуман, (ислом теологияси гносеологиясида фойдаланиш) араб фанларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Араб-мусулмон фалсафаси шаклланишида қадимги юнон фалсафий мероси, айниқса, Платон, Аристотел, неоплатончилар ва гностиклар таълимотлари муҳим ғоявий манба бўлиб хизмат қилди. Гарчи ислом дини шаклланишининг дастлабки даврида мусулмонларнинг кўпчилик жамоалари, айниқса, умавийлар илмида тафсир ва ҳадислардан бошқа илмларни тан олишни истамаган бўлсаларда, кейинчалик Ғарб фанига, айниқса, тиббиёт илми ва амалиётига эҳтиёж ҳис эта бошлаган эдилар. VIII асрдан бошлаб, зарурат тақозоси билан “Билимни Хитойдан бўлса ҳам олинг”, “Бешиқдан қабргача илм изланг” каби ҳадислар юзага чиқди. Шу тарзда Эрон ва бошқа мамлакатларга бориб, дастлаб тиббиёт илми, астрономия, география ва алхимияни ўрганишга киришилди.

Немис олими Ф.Иберверг томонидан “башариятнинг биринчи оқилларидан бири” сифатида таърифланган, бутун жаҳонга донғи

³ Ўша асар. – Б. 69.

кетган таниқли қомусий аллома ва ажойиб мутафаккир Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино мусулмон Шарқи халқлари орасида “Шарафул мулк” ва “Шайхур раис” каби мартабали унвонларга муяссар бўлган буюк шахсдир.

У.Каримовнинг тахминига кўра, бизгача алломанинг 242 асари етиб келган. Улардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт соҳаси ва тасаввуф таълимоти, 40 таси тиббиёт, 19 таси мантик, 26 таси психология (руҳшунослик), 23 таси табиатшунослик, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 2 таси алхимия, 9 таси ахлоқ-одоб, 4 таси адабиёт ва 8 таси эса ўша вақтдаги олимлар билан илм-фаннинг турли муаммоларига тааллуқли ёзишмаларга тегишлидир⁴.

Таниқли шарқшунос олим А.Ирисов Ибн Синонинг фалсафага доир асарлари сонини бир қанча манбаларга суяниб, 68 тадан 198 тагача эканлигини келтириб ўтади⁵.

Аллома яратган асарлар жаҳон халқлари маънавий-маданий мулкига айланди. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, ўн саккиз жилддан иборат “Китоб аш-Шифо”, “Китоб ан-Нажот”, “Рух ҳақида китоб”, “Ал-Ишорот ват-танбиҳот”, “Қурола-йи табиат” (“Табиат дурдонаси”), “Рисолаи тадбири манзил” (“Оилавий бахт-саодатга эришиш тадбири ҳақида рисола”) ва қатор бошқалар асрлар давомида турли фан соҳалари мутахассисларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда⁶.

Ибн Синонинг фалсафага оид фикрлари унинг бу мавзудаги таълифлари билан бирга бошқа олим ва файласуфлар ўртасида кечган савол-жавоблар ичида ҳам кўплаб учрайди. Шу билан бирга, файласуфнинг бошқа шахсларга ёзган рисола, риқъа, хатлари, турли-туман диний мавзуларда ёзилган асарлар, шарҳ ва тафсирлар

унинг дунёқарашини ўрганишга яхши материал бўлиши мумкин. Фалсафага доир унинг энг йирик, шоҳ асари “аш-Шифо”(18 жилд)дир. Унинг қисқартмаси “ан-Нажот”номли китоб 4 жилддан иборат. Шунингдек, “Донишнома” ҳам энг йирик фалсафий асар ҳисобланади. Бу китоб 1957 – йилда Душанбеда А.М.Богоутдинов томонидан рус тилига таржима қилинган.

Сўнгги йилларда М.Болтаев ЎзССР ФА Фалсафа институти чиқарган “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир очерклар” деган китобида “Ибн Синода билиш назарияси ва логика”, “Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қараши” деган боблар автори сифатида қатнашди. Москвада Б.Э.Биховский “Ибн Синонинг фалсафий мероси” мақоласини эълон қилди. С.Н.Григорян ўрта аср Шарқ фалсафаси устида олиб борган тадқиқотларини яқунлаб докторлик диссертациясини ёқлади. Орадан кўп вақт ўтмай унинг “Ўрта Осиё буюк мутафаккирлари” рисоласи, “Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ўрта аср фалсафаси” китоби ҳам нашр этилди.⁷

Ибн Синонинг сеvimли шогирди ва дўсти Абу Убайд Жузжоний ўз устози асарларининг фехрестини тузиб, унинг 25 га яқин ёзишмасини ва савол-жавобларининг номларини келтиради⁸. 1980 йилда Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти томонидан чоп этилган “Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига” китобида мазкур асардан жой олган Ибн Синонинг дин ва мутакаллимлар ҳақидаги фикрлари ўрин олган:

Мутакаллимлар билан бўлган ёзишмалар. Бу ёзишмалар хусусийроқ аҳамиятга эга бўлиб, уларда Ибн Сино мутакаллимларни илм-фан, фалсафа ва ақл далилларини сохталаштиришда ва уларни дин, илоҳиётни асослашда фойдаланаётганлари хусусида танқид қилади ва қоралайди⁹

⁴ Каримов У.И. Буюк аллома// Шарқ юлдузи. 1989.№ 11. – Б.199.

⁵ Ирисов.А. “Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси”.Т.: “Фан”.1980й. – Б.172 – 173.

⁶ Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фанлар тарихининг муҳим босқичлари. Муаллифлар жамоаси. Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, Тошкент.: 2007 йил, – Б. 69.

⁷ Ирисов.А. “Абу Али Ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси”.Т.: “Фан”. 1980 й. – Б. 29.

⁸ “Мажмуъат расоил ал-ҳуқамо”, (مجموعۃ الرسائل الحكماء) ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, Инв. № 2385-XI, – Б. 41 – 42.

⁹ Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Тошкент, “Фан”№ нашриёти, 1980, – Б. 90.

Ибн Сино фалсафаси унинг рисоаларида келтирилиш тартибига кўра 4 қисмдан иборат: мантиқ, табиёт, риёзиёт, илоҳиёт (метафизика).

Мазкур бўлимлардан илоҳиёт ёки метафизика қисми ҳозирги кунда диншунослик, ислом фалсафаси соҳасидаги тадқиқ этиладиган долзарб мавзулардан биридир. Шунинг учун метафизика атамасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ибн Синонинг 18-жилдлик “аш-Шифо” сига кирган йирик фалсафий асарларидан бири “ал-Илоҳиёт” (“Метафизика”) китобидир¹⁰. Асар ўн мақола ва олтиш бир фаслдан иборат. Ибн Синонинг бу асарига Аристотелнинг “Метафизика” асари асос бўлган. Аристотель асари аслида ўн тўрт мақоладан иборат бўлиб, мақолалар ўзаро алифбо тартибда жойлашган.

Ибн Сино талқинидаги метафизика кенг маънодаги борлиқ ҳақидаги таълимот бўлиб, конкрет фанлар билан узвий алоқада бўлади.

Ибн Сино метафизикаси ҳақида чуқур тадқиқотлар олиб борган олим А.В.Сагадеев Шарқнинг бирон бир перипатети Ибн Сино билан беллаша олмаслигини айтади. Шу билан бир қаторда унинг фалсафий ғояларига берилган баҳолар ва шарҳларнинг қарама-қарши фикрлардан иборат эканлиги билан ҳам беллаша олмайди. Ҳозиргача Ибн Сино шахсига оид баҳслар давом этмоқда¹¹.

Асрлар давомида Ибн Сино илмий меросини ўрганаётган, тадқиқ олиб бораётган изланувчилар кўплигига қарамай, бугунги кунда ҳали ҳам баҳсли бўлган айрим манбалар мавжудки, бу манбалар, асарлар Ибн Сино қаламига мансуб бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шундай асарлардан бири “ал-Ҳикма-ал-машриқийа” (“Шарқона фалсафа”) асари бўлиб, бу асар ҳақида Ибн Синонинг ўзи ҳам эслатиб ўтган.

Д.Файзиходжаева ўзининг “Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантиқий исботлаш ҳақида” китобида Ибн Синонинг мантиқий исботлашга оид таълимотларини илмий таҳлилидан келиб чиқиб айтадики, улар чинлиги исботланиши талаб қилинган фикрлар ҳар бир фанда ўзига хос бўлишини таъкидлаган ҳолда, исботлашнинг конкрет мазмунидан қатъи назар, барча исботлашлар учун умумий бўлган томонларни аниқлаб бердилар:

Чинлиги шубҳа туғдирмайдиган, исботланиши талаб қилинмайдиган, лекин ўзи исботлаш учун асос, аргумент бўлиб хизмат қиладиган фикрлар, яъни, бошланғич билимлар мавжуддир. Улар орасида тажриба натижаси бўлган билимлар ҳақиқатга эришишда, тезисни чинлигини исботлашда ниҳоятда муҳимдир¹².

Ибн Сино теологик таълимотини ўрганишда яна муҳим илмий манбалардан бири Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фалосифа” (Файласуфларни рад этиш) асаридир. Ғаззолийнинг ошкора қайд этишича, уни «Таҳофут ал-фаласифа»ни ёзишга ундаган нарс диннинг ҳимояси эди. Чунки, бир эркин фикрловчи гуруҳ пайдо бўлиб, қадимги дунё фалсафасини Сукротдан тортиб, Аристотельгача кўкларга кўтариб мактадилар ва уларни ҳам ўзларидек, худосиз деб билдилар. Ваҳоланки, агар ушбу файласуфларнинг таълимотларини чуқурроқ ўрганганларида эди «қадимги ва янги файласуфларнинг ҳар бирининг маънавияти» икки диний асосга, яъни, Худованднинг борлиги ва жазо кунининг ҳаққонийлигига боғлиқлигини идрок этар эдилар. Бундай эътиқоднинг моҳияти ҳаммада бир хил. Аммо унинг ташқи кўринишлари бир-биридан фарқ қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Синонинг жами 450 дан ортиқ асари бўлиб, 240 дан зиёди жаҳон кутубхоналарида сақланмоқда. Ибн Синонинг бизгача ўша давр фанларига оид 300 га яқин асари етиб келган. Ҳозир ҳам Ибн Сино илмий меросини ўрганишга қизиқиш катта.

¹⁰ Қаранг: Ибн Сино, ал-Илоҳиёт, тақдим Иброҳим Мадкур, таҳқиқ Қанавотий ва Саид Зоид, ал-Қоҳира, 1960, 478. – Б. ابن سينا. اللاهيات. تقديم ابراهيم مذكور، تحقيق قنواطي و (سعيد ذاند، القاهرة، 1960، ص 478)

¹¹ Абу Али Ибн Сина. К 1000-летию со дня рождения. “Фан”, Ташкент, 1980. – С. 91.

¹² Файзиходжаева, Д. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Сино мантиқий исботлаш ҳақида. “NISHON-NOSHIR”, Тошкент 2013, – Б. 132.